



Проект

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш**  
**tizimini tashkil etish chora-tadbirlari tўғрисида**  
**ID-25349 (V-1)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармонини бажариш ҳамда Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш тизimini tashkil etish мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш маркази” (кейинги ўринларда-Марказ) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ҳудудларда **юридик шахс ташкил этмаган ҳолда сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида Минтақавий малака ошириш марказлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.**

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг малакасини ошириш ҳудудий маркази (кейинги ўринларда Минтақавий марказ деб аталади) 1-иловада рўйхати келтирилган техникум ва коллежларда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар:

Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш маркази тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш минтақавий маркази тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ходимларнинг билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз ошириб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ сув хўжалиги соҳасида янги замонавий технологияларни татбиқ этиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш;

малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бевосита шакллари амалиётга жорий этиш;

малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлигини таъминлаш, сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш тизimini tashkil etish янги технологияларни жорий этиш орқали ривожлантириш ва такомиллаштириш;

сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

6. Марказ фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

Марказ томонидан шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатишдан тушадиган даромадлар;

сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилот ҳамда хўжалик ҳисобидаги корхоналари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилган тўлов шартномалари;

малака ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан, халқаро ва маҳаллий грантлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Марказ ва минтақавий марказ ходимлари меҳнатларига ҳақ тўлаш шартлари бўйича олий таълим муассасалари ходимларининг тегишли тоифаларига тенглаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан биргаликда:

Марказни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Марказ учун институт ҳудуди ва тасарруфидаги бинолардан жой ажратилишини таъминласин;

Марказга ажратилган жой ва хоналарнинг таъмирланиши ҳамда зарур ўқув-лаборатория ва компьютер техникалари, мебеллар ва бошқа инвентарлар билан жиҳозланишини таъминласин;

Марказнинг ташкилий ва бошқарув фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширишни ташкил этсин.

9. Қуйидагилар Минтақавий марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассисларнинг касбий билимлари, қўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз ошириб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ сув хўжалиги соҳасида янги замонавий технологияларни татбиқ этиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш;

малака оширишнинг тўғридан-тўғри ва бевосита шакллари амалиётга жорий этиш;

малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан уйғунлигини таъминлаш, сув хўжалиги соҳасидаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янги технологияларни жорий этиш орқали ривожлантириш ва такомиллаштириш;

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.

10. Минтақавий марказ фаолиятини молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

Марказ томонидан шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатишдан тушадиган

даромадлар;

-сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилот ҳамда хўжалик ҳисобидаги корхоналари мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилган тўлов шартномалари;

- сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан, халқаро грантлар;

-қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан, халқаро ва маҳаллий грантлар;

-юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан биргаликда:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида Минтақавий марказлар учун тренерлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда;

Минтақавий марказни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш чораларини кўриш;

Минтақавий марказ учун коллеж ҳудуди ва тасарруфидаги бинолардан жой ажратилишини таъминлаш;

Минтақавий марказга ажратилган жой ва хоналарнинг таъмирланиши ҳамда зарур ўқув-лаборатория ва компьютер техникалари, мебеллар ва бошқа инвентарлар билан жиҳозлаш;

Минтақавий марказнинг ташкилий ва бошқарув фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш вазифалари юклатилсин.

13. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А.Арипов**

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ ” декабрдаги  
“ ” -сон қарорига

1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг малакасини  
ошириш ҳудудий марказлари ташкил этиладиган техникум ва коллежлар**

**РЎЙХАТИ**

№	Техникум ва коллежларнинг номи	Жойлашган ҳудуди
1	Беруний сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани
2	Бўзатов сув хўжалиги ва мелиорация коллежи Қорақалпоғистон Республикаси	Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани
3	Галаосиё сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Бухоро вилояти Галаосиё шаҳри
4	Дўстлик сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Жиззах вилояти Дўстлик тумани
5	Касби сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Қашқадарё вилояти Касби тумани
6	Қамаши сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Қашқадарё вилояти Қамаши тумани
7	Навбаҳор сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Навоий вилояти Навбаҳор тумани
8	Мингбулоқ сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Наманган вилояти Мингбулоқ тумани
9	Бандихон сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Сурхондарё вилояти Бандихон тумани
10	Қува сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Фарғона вилояти Қува тумани
11	Қўшқўпир сув хўжалиги ва мелиорация коллежи	Хоразм вилояти Қўшқўприк тумани
12	Оқолтин саноат техникуми	Сирдарё вилояти Оқолтин тумани
13	Самарқанд ахборот технологиялари техникуми	Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри
14	Марҳамат агротехнологиялар техникуми	Андижон вилояти Марҳамат тумани
15	Янгийўл озиқ-овқат технологияси коллежи	Тошкент вилояти Янгийўл тумани

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ ” декабрдаги  
“ ” -сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малакасини ошириш  
Маркази тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш (кейинги ўринларда малака ошириш маркази) тартибини белгилайди.

2. Малака ошириш марказида сув хўжалиги ташкилотлари раҳбар ходимлари ўз касбий даражасини ва малакасини оширадilar.

3. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ходимларнинг касбий ва малака даражасини мунтазам ошириш асосида қонунчилик нормалари, назарий, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, сув хўжалиги соҳасидаги сўнгги ютуқларни (технологияларни) чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий ва инновацион технологияларни, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш усулларини янгилаш;

малака ошириш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**малака ошириш** - ходим (мутахассис)ларнинг сув хўжалиги соҳасидаги касби, кўникмалари ва тажрибаларини ошириш бўйича таълим тури.

**малака ошириш курслари** - ходимлар (мутахассислар)га давлат таълим талабларига мувофиқ таълим беришни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли бўлиб, ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади;

**тингловчи** - малака ошириш курсларида таълим олиш учун жалб этилган ва белгиланган тартибда тингловчилар сафига қабул қилинган ходимлар;

**бююртмачи** - сув хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи давлат, идоравий назоратни амалга оширувчи ва эксплуатация қилувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, лойиҳалаш ташкилотлари.

5. Малака ошириш курсларини ташкил этиш Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини

механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази таркибидаги Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш марказида (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг буюртмалари асосида амалга оширилади.

6. Сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш буюртмачиларнинг талабларига биноан, ўзаро тузилган шартнома ва мазкур Низомда белгиланган тартибга асосан амалга оширилади.

Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимлари идоравий мансублигидан қатъий назар, Марказда даврий равишда малака ошириш курсларидан ўтадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги ташкилотлар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбар ходимлари малака ошириш курсларида ихтиёрий равишда шартнома асосида таълим олишлари мумкин.

### **2-боб. Малака ошириш курсларининг мақсади ва вазифалари**

8. Сув хўжалиги соҳаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш, соҳага янги технологиялар татбиқ этилишини жадаллаштириш, соҳа мутахассисларининг касбий билим, кўникма ва маҳоратларини мунтазам равишда ошириб бориш сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг асосий мақсади саналади.

9. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг касбий билим, кўникма ва маҳоратларини оширишнинг узлуксиз механизмини жорий этиш, касбий тайёргарлигини замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини оширишнинг тўғридан - тўғри ва бевосита шакллари амалиётга жорий этиш;

малака ошириш жараёнида фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш;

малака ошириш тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш.

### **3-боб. Малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби**

10. Малака ошириш курслари тингловчиларни сифатли ўқитиш учун тегишли йўналишлар бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда, Марказнинг моддий-техник базасини, ўқув курсларининг фаолиятини ушбу Низомда белгиланган тартибда молиялаштириш асосида ташкил этилади.

Тингловчилар Марказ ва буюртмачилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ, олдиндан амалга оширилган тўлов асосида ўқитилади.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати ходимлари ташкил этиладиган малака ошириш курсларида текин ўқитилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳар йилнинг бошида малака ошириш курсларида таълим олиш учун йўналишлар бўйича тингловчиларнинг сони кўрсатилган

буюртма беради.

12. Келиб тушган буюртмалар асосида Марказ малака ошириш курсларида таълим олиш учун келишилган йўналишлар бўйича тингловчилар рўйхатини ва ўқув жадвалини шакллантиради ҳамда уларни буюртмачиларга келишиш учун тақдим қилади.

13. Буюртмачилар Марказ томонидан юборилган ўқув жадвалини кўриб чиқиб, қабул қилганларидан кейин, жадвални Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим қиладилар.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари сув хўжалиги тизимидаги раҳбар ва мутахассис ходимларнинг малака ошириш маркази курсларида ўқитиш, шунингдек, буюртмачи ташкилотлар ва Марказ ўртасида тегишли шартномаларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

15. Буюртмачилар Вазирлик томонидан тасдиқланган ва Марказ билан келишилган ўқув жадвалини олганларидан кейин ўз ходимларини қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш тўғрисида Марказ билан тегишли шартнома имзолайдилар.

16. Буюртмачилар Марказ билан тузилган шартномага асосан, ўз ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборишдан аввал таълим олиш учун белгиланган тўлов суммасини олдиндан тўлаб берадилар.

Тўлов амалга оширилгандан кейингина Буюртмачилар ўзларининг тегишли ходимларини Марказга малака ошириш курсларига юборадилар.

17. Буюртмачиларнинг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатларида кўрсатилган ва тўловларни олдиндан амалга оширган номзодлари Марказ томонидан буйруқ асосида малака ошириш курсларига қабул қилинадилар.

Буйруқ асосида курсларга қабул қилинган тингловчиларни яшашлари учун Марказ Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан келишув асосида имконият даражасида ётоқхона билан таъминлаши мумкин. Бунда ётоқхона харажатларини тингловчиларнинг ўзлари ёки уларнинг ҳомий ташкилотлари олдиндан тўлайдилар.

18. Марказ сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларини малака ошириш курсларида ўқитишни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган ва буюртмачи ташкилотлар билан шартномада келишилган ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилишини таъминлайди.

19. Малака ошириш курсларида ўқиш бошлангандан сўнг беш кун мобайнида Марказга етиб келмаган тингловчилар, сабабларидан қатъий назар, курсларга қўйилмайди.

Малака ошириш курсларига узрли сабабларга кўра етиб кела олмаган ходимлар, кейин ташкил этиладиган малака ошириш курсларида ўқийдилар.

Малака ошириш курсларига узрли сабабларсиз келмаган ходимлар, малака ошириш курсларидан ўтмаган ҳисобланадилар, уларга ушбу Низомда белгиланган диплом ва сертификатлар берилмайди ҳамда буюртмачилар томонидан тўланган тўлов суммалари қайтарилмайди.

20. Тингловчилар ўқув курслари якунлаганларидан кейин Марказда ташкил этиладиган аттестация синовларидан ўтадилар.

Аттестация синовлари ушбу низомнинг 4-бобида белгиланган тартиб асосида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

Аттестация комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг раҳбар ходимлари, шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги ваколатли ташкилотлари, илмий муассалари вакиллари киритилади.

21. Малака ошириш курсларида таҳсил олаётган тингловчиларнинг доимий иш жойидаги лавозими ва ўргача иш ҳақи сақланади.

#### **4-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкилотчиларининг вазифалари ва функциялари**

22. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ташкил этилаётган курсларнинг самарали ўтиши учун уларнинг ташкилий масалаларини мувофиқлаштириш;

малака ошириш курслари ўқув жараёнларининг услубларини белгилашда қатнашиш;

малака ошириш курсларида таҳсил олиши керак бўлган тингловчилар контингентини шакллантириш;

ўқув режалари ва дастурларини ҳамда малака ошириш курсларидан ўтиш учун тўлов миқдорини тасдиқлаш;

малака ошириш курслари аттестация комиссияси учун номзодлар ажратиш;

Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қўмаклашиш.

23. Марказ ўз устави ва тузилган шартномаларда кўрсатилган вазифаларга мувофиқ, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

малака ошириш курсларига юборилган соҳа мутахассисларини ўқитиш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;

ўқитишнинг замонавий шакллари ва услублари, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрланган сув хўжалиги соҳасида малака ошириш курслари учун тавсия қилинган ўқув режалари ва дастурларини қўллаб, ўқув жараёнини ташкил этади;

малака ошириш курслари доирасидаги назарий дарсларни амалдаги хўжалик фаолияти билан мустаҳкам боғлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмаларида ҳамда хўжалик юритувчи бошқа субъектларида амалиёт ишларининг ташкил этилишини таъминлайди;

хорижий мамлакатларда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида олиб бориладиган малака ошириш курсларидаги ютуқларни таҳлил қилади, тингловчиларга ушбу тажрибаларни ўз ташкилотларида жорий этиш юзасидан маълумотлар беради;

малака ошириш курсларида ўқув жараёнининг доимий мониторингини олиб боради;

тингловчиларни аттестациядан ўтказиши, ушбу Низом талабларига мувофиқ диплом ва



сертификатлар беради.

24. Буюртмачилар:

малака ошириш курсларининг тасдиқланган жадвали асосида ходимларининг тегишли курсларга белгиланган муддатларда ўз вақтида келишларини таъминлайдилар;

малака ошириш курслари учун белгиланган тўловларни шартнома асосида ўз вақтида тўланишини таъминлайдилар;

малака ошириш натижаларини муҳокама қилишда қатнашадилар.

**5-боб. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малака ошириш курсларида ўқув жараёнини ташкил этиш**

25. Идоравий мансублигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг раҳбар ходимлари тўрт йилда камида бир марта Марказнинг доимий асосда фаолият кўрсатадиган курсларида малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича малакасини ошириши шарт.

26. Сув хўжалиги раҳбар ходимлари тўрт йилда камида бир марта малака оширмаган тақдирда, ўз фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотади ва улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади.

27. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курслари таълим жараёнида эришиладиган натижалардан келиб чиққан ҳолда соҳа ходимларининг бевосита касбий ривожланишини ташкил этиш имкониятини яратади.

28. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш уларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини доимий равишда янгилаб боровчи даврий тизим ҳисобланади.

29. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимлари малакасини оширишнинг ўқув жараёни тасдиқланган давлат талаблари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда машғулотлар жадвали бўйича тартибга солинади, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

сув хўжалиги ва мелиорация;

ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш;

сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш;

гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш;

сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;

сув русурларини бошқариш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини жорий этиш;

ирригация ва мелиорация тармоқларини ривожлантириш;

ирригация ва мелиорация жараёнларига татбиқ этилаётган янги ускуна ва технологиялар билан таништириш;

унумдорлиги ва самарадорлиги юқори бўлган сув хўжалиги техникаларидан

фойдаланишни ўрганиш;

сув хўжалиги соҳасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил этиш, баҳолаш ва башорат қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлашга киритиш ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этиш;

сув хўжалиги соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, уларни амалиётда қўллаш;

сув хўжалиги соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилган жавобгарлик ва бошқа йўналишлар.

Ўқув режалари ва дастурлари сув хўжалиги ҳамда таълим соҳасидаги устувор йўналишлар асосида ҳар йили такомиллаштириб борилади.

30. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларида ўқув машғулотларининг маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулотлар, сайёр машғулотлар, тажриба алмашиш, мустақил ўқиш, малака амалиёти, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш каби асосий турлари қўлланилади.

31. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил қилади.

32. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларидаги ўқув жараёни тингловчилар сони, қоидага кўра, камида 20 нафардан кам бўлмаган ҳолда, Марказ томонидан ташкил қилинадиган гуруҳларда ташкил этилади.

33. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг малака амалиёти Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмаларида ҳамда хўжалик юритувчи бошқа субъектларда ташкил этилади.

34. Айрим ўқув машғулотлари институтнинг ўқув-илмий ишлаб чиқариш лабораторияларида ва бошқа сув хўжалиги ташкилотлари негизида ташкил этилиши мумкин.

35. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўзлаштириши қуйидаги баҳолаш тизими асосида амалга оширилади:

оралиқ ва якуний назорат натижалари;

малака амалиёти якунлари;

лойиҳа ишини ҳимоя қилиш натижалари.

Ушбу баҳолаш натижалари ходимларнинг якуний аттестация синовларини топшириш жараёнида баҳолаш мезонлари сифатида инобатга олинади.

36. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларининг тингловчилари қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

сабабсиз 24 соат дарс қолдирганда;

буюртмачилар томонидан шартнома тўловлари амалга оширилмаганда;

саломатлиги туфайли (тиббий маълумотнома асосида);

вафот этган тақдирда.

37. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрлари, вазирлик марказий аппарати раҳбар ходимлари, вазирлик таркибидаги ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ходимлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари, ташкилотларнинг юқори малакага эга бўлган тажрибали мутахассислари, шунингдек, хорижий мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

38. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан тингловчиларни ўқитадиган педагоглар таркибининг ўқув юкламаси ҳажми ўқув йили мобайнида белгиланган нормативлар бўйича, улар амалда бажарадиган ўқув ишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 24 октябрдаги 2834 – сон билан рўйхатга олинган “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим махсус вазирлиги, Халқ таълими ва Меҳнат вазирлигининг (Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлиги) қарори.

39. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш уларнинг фаолияти давомида асосий ишдан ажралган ҳолда, бевосита Марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

40. Малака ошириш дастурларини ўзлаштириш муддати тўрт ҳафта (144 соат) дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соатни, шундан аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми - ҳафтасига 30 соатни ташкил этади. (Ушбу банд кўриб чиқилиши мумкин).

41. Марказда малака ошириш бўйича ўқитиш буюртмачининг якка тартибдаги буюртмаси асосида, давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар доирасида амалга оширилади.

42. Тингловчилар малака ошириш курсини муваффақиятли бажариб, курсни тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг якуний аттестация синовларига қўйилади.

43. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимлари малакаларини ошириш ҳар уч йилда камида бир марта, асосий иш жойидан ажралган ҳолда, бевосита Марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

44. Малака ошириш курсини тўлиқ ўзлаштирган ҳамда оралиқ ва якуний назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчилар якуний аттестация синовларига қўйилади.

#### **6-боб. Малака ошириш курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш**

45. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг аттестация комиссияси томонидан ташкиллаштириладиган аттестация синовлари тингловчиларнинг оралиқ ва якуний назоратларни топширишлари, малака амалиёти натижаларини инобатга олган ҳолда суҳбат шаклида ўтказилади.

46. Аттестация комиссияси ўз қарорини тингловчиларни суҳбатдан ўтказиш натижалари асосида, шунингдек, касбий фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

47. Аттестация комиссиясининг қарори Марказ томонидан тингловчиларга ушбу Низомнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ диплом ва сертификат беришга асос бўлади.

48. Аттестация синовларидан ўта олмаган тингловчилар 3 ой мобайнида шартнома асосида малака ошириш курсларида такроран ўқишлари ва аттестация синовларини қайта топширишлари мумкин.

49. Тингловчилар аттестация синовларидан такроран ўта олмаган тақдирда Марказ томонидан ушбу ходимларнинг иш берувчи ташкилотларига хабарнома юборилади.

Хабарномада тингловчининг малака ошириш курсларидан ўтиши натижаси, аттестация синовларидан ўта олмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

#### **7-боб. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларини молиялаштириш**

50. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курсларини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагича:

сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилот ҳамда хўжалик ҳисобидаги корхоналари раҳбар ходимларининг малакасини ошириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилган тўлов шартномалари;

- марказ томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган даромадлар;
- сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан, халқаро грантлар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

51. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш курслари фаолиятига оид молиявий ҳисоботлар қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади.

#### **8-боб. Яқунловчи қондалар**

52. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини оширишга иккинчи олий ёки ўрта махсус, касбий маълумот олиш деб қаралмайди.

53. Сув хўжалиги соҳаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг

2020 йил “ ” декабрдаги

“ ” -сон қарорига

3-ИЛОВА

**Сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш Минтақавий маркази  
тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш курсларини (кейинги ўринларда Малака ошириш курслари) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Малака ошириш курсларида, сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ўз касбий даражасини ва малакасини оширадilar.

Сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

ходимларнинг касбий ва малака даражасини мунтазам ошириш асосида қонунчилик нормалари, назарий, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, сув хўжалиги соҳасидаги сўнгги ютуқларни (технологияларни) чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий ва инновацион технологияларни, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда ходимларнинг малакасини ошириш усулларини янгилаш;

малака ошириш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**малака ошириш** - ходим (мутахассис)ларнинг сув хўжалиги соҳасидаги касби, кўникмалари ва тажрибаларини ошириш бўйича таълим тури;

**малака ошириш курслари** - ходимлар (мутахассислар)га давлат таълим талабларига мувофиқ таълим беришни назарда тутадиган олий таълимдан кейинги ўқитиш шакли бўлиб, ушбу Низомга мувофиқ ташкил этилади;

**тингловчи** - қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим олиш учун жалб этилган ва белгиланган тартибда тингловчилар сафига қабул қилинган ходимлар;

**бююртмачи** - сув хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи давлат, идоравий назоратни амалга оширувчи ва эксплуатация қилувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, лойиҳалаш ташкилотлари.

4. Малака ошириш курсларини ташкил этиш Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги

коллежлар ҳузуридаги сув хўжалиги соҳасидаги муҳандис мутахассисларнинг малакасини ошириш Минтақавий марказида вазирлик ва Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг буюртмалари асосида амалга оширилади.

5. Сув хўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш буюртмачиларнинг талабларига биноан, ўзаро тузилган шартнома ва мазкур Низомда белгиланган тартибга асосан амалга оширилади.

Сув хўжалиги соҳаси мутахассислари идоравий мансублигидан қатъий назар, Минтақавий марказда даврий равишда малака ошириш курсларидан ўтадилар.

6. Малака ошириш курсларида:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги сув хўжалиги ташкилотлари мутахассислари таълим оладилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги ташкилотлар, давлат бошқарув ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг мутахассис ходимлари малака ошириш курсларида ихтиёрий равишда шартнома асосида таълим олишлари мумкин.

## **2-боб. Малака ошириш курсларининг мақсади ва вазифалари**

8. Сув хўжалиги соҳаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш, соҳага янги технологиялар татбиқ этилишини жадаллаштириш, соҳа мутахассисларининг касбий билим, кўникма ва маҳоратларини мунтазам равишда ошириб бориш сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курсларининг асосий мақсади саналади.

9. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимлари малакасини ошириш курсларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг касбий билим, кўникма ва маҳоратларини оширишнинг узлуксиз механизмини жорий этиш, касбий тайёргарлигини замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларини малакасини оширишнинг тўғридан - тўғри ва бевосита шакллари амалиётга жорий этиш;

малакасини ошириш жараёнида фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш;

малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш.

## **3-боб. Малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби**

10. Малака ошириш курслари тингловчиларни сифатли ўқитиш учун тегишли йўналишлар бўйича малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини ҳисобга олган ҳолда, Минтақавий марказнинг моддий-техник базасини, ўқув курсларининг фаолиятини ушбу Низомда белгиланган тартибда молиялаштириш асосида ташкил этади.

Тингловчилар Минтақавий марказ ва буюртмачилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ, олдиндан амалга оширилган тўлов асосида ўқитилади.

Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимлари ташкил этиладиган малака ошириш

курсларида тегишли тўлов асосида ўқитилади.

Сув хўжалиги соҳасидаги муҳандис мутахассисларнинг Минтақавий марказда малакасини оширишга номуахассис ходимлар жалб қилинмайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳар йилнинг бошида малака ошириш курсларида таълим олиш учун йўналишлар бўйича тингловчиларнинг сони кўрсатилган буюртма беради.

12. Келиб тушган буюртмалар асосида Минтақавий марказ малака ошириш курсларида таълим олиш учун келишилган йўналишлар бўйича тингловчилар рўйхатини ва ўқув жадвалини шакллантиради ҳамда уларни буюртмачиларга келишиш учун тақдим қилади.

13. Буюртмачилар Минтақавий марказ томонидан юборилган ўқув жадвалини кўриб чиқиб, қабул қилганларидан кейин, жадвални Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим қиладилар.

14. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режалари ва дастурлари сув хўжалиги мутахассисларини малака ошириш маркази курсларида ўқитиш, шунингдек, буюртмачи ташкилотлар ва Минтақавий марказ ўртасида тегишли шартномаларни тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

15. Буюртмачилар Вазирлик томонидан тасдиқланган ва Минтақавий марказ билан келишилган ўқув жадвалини олганларидан кейин ўз ходимларининг малакаларини ошириш тўғрисида Минтақавий марказ билан тегишли шартнома имзолайдилар.

16. Буюртмачилар Минтақавий марказ билан тузилган шартномага асосан, ўз ходимларини малака ошириш курсларига юборишдан аввал таълим олиш учун белгиланган тўлов суммасини олдиндан тўлаб берадилар.

Тўлов амалга оширилгандан кейингина Буюртмачилар ўзларининг тегишли ходимларини Минтақавий марказга малака ошириш курсларига юборадилар.

17. Буюртмачиларнинг Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатларида кўрсатилган ва тўловларни олдиндан амалга оширган номзодлар Минтақавий марказ томонидан буйруқ асосида малака ошириш курсларига қабул қилинадилар.

Буйруқ асосида курсларга қабул қилинган тингловчилар яшашлари учун коллежлардаги ётоқхона билан таъминлади.

18. Минтақавий марказ сув хўжалиги мутахассис ходимларини малака ошириш курсларида ўқитишни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган ва буюртмачи ташкилотлар билан шартномада келишилган ўқув режалари ва дастурлари асосида олиб борилишини таъминлайди.

19. Малака ошириш курсларида ўқиш бошлангандан сўнг бир кун мобайнида Минтақавий марказга етиб келмаган тингловчилар, сабабларидан қатъий назар, курсларга қўйилмайди.

Малака ошириш курсларига узрли сабабларга кўра етиб кела олмаган ходимлар, кейин ташкил этиладиган малака ошириш курсларида ўқийдилар.

Малака ошириш курсларига узрли сабабларсиз келмаган ходимлар, малака ошириш курсларидан ўтмаган ҳисобланадилар, уларга ушбу Низомда белгиланган диплом ва сертификатлар берилмайди ҳамда буюртмачилар томонидан тўланган тўлов суммалари қайтарилмайди.

20. Тингловчилар ўқув курслари якунлаганларидан кейин Минтақавий марказда ташкил этиладиган аттестация синовларидан ўтадилар.

Аттестация синовлари ушбу низомнинг 4-бобида белгиланган тартиб асосида, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади.

Аттестация комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг раҳбар ходимлари, шунингдек, Сув хўжалиги вазирлиги ваколатли ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари киритилади.

21. Малака ошириш курсларида таҳсил олаётган тингловчиларнинг доимий иш жойидаги лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланади.

#### **4-боб. Малака ошириш курслари ташкилотчиларининг вазифалари ва функциялари**

22. Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

ташкил этилаётган курсларнинг самарали ўтиши учун уларнинг ташкилий масалаларини мувофиқлаштириш;

малака ошириш курслари ўқув жараёнларининг услубларини белгилашда қатнашиш;

малака ошириш курсларида таҳсил олиши керак бўлган тингловчилар контингентини шакллантириш;

ўқув режалари ва дастурларини ҳамда малака ошириш курсларидан ўтиш учун тўлов миқдорини тасдиқлаш;

малака ошириш курслари аттестация комиссияси учун номзодлар ажратиш;

Марказнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қўмаклашиш.

23. Минтақавий марказ ўз устави ва тузилган шартномаларда кўрсатилган вазифаларга мувофиқ, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

малака ошириш курсларига юборилган соҳа мутахассисларини ўқитиш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;

ўқитишнинг замонавий шакллари ва услублари, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда тайёрланган сув хўжалиги соҳасида малака ошириш курслари учун тавсия қилинган ўқув режалари ва дастурларини қўллаб, ўқув жараёнини ташкил этади;

малака ошириш курслари доирасидаги назарий дарсларни амалдаги хўжалик фаолияти билан мустаҳкам боғлаш мақсадида Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида ҳамда хўжалик юритувчи бошқа субъектларда амалиёт ишларининг ташкил этилишини таъминлайди;

хорижий мамлакатларда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида олиб бориладиган малака ошириш курсларидаги ютуқларни таҳлил қилади, тингловчиларга ушбу тажрибаларни ўз ташкилотларида жорий этиш юзасидан маълумотлар беради;

малака ошириш курсларида ўқув жараёнининг доимий мониторингини олиб боради;



малака ошириш курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказди, ушбу Низом талабларига мувофиқ диплом ва сертификатлар беради.

24. Буюртмачилар:

малака ошириш курсларининг тасдиқланган жадвали асосида ходимларининг тегишли курсларга белгиланган муддатларда ўз вақтида келишларини таъминлайдилар;

малака ошириш курслари учун белгиланган тўловларни шартнома асосида ўз вақтида тўланишини таъминлайдилар;

малака ошириш натижаларини муҳокама қилишда қатнашадилар.

**5-боб. Сув хўжалиги соҳаси мутахассисларнинг малакасини ошириш курсларида ўқув жараёнини ташкил этиш**

25. Идоравий мансублигидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг мутахассис ходимлари уч йилда камида бир марта Минтақавий марказнинг доимий асосда фаолият кўрсатадиган курсларида малака оширишнинг тегишли йўналишлари бўйича малакасини оширишлари шарт.

26. Сув хўжалиги мутахассис ходимлари уч йилда камида бир марта малака оширмаган тақдирда, ўз фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини йўқотади ва улар билан асосий иш жойи бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинади.

27. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курслари таълим жараёнида эришиладиган натижалардан келиб чиққан ҳолда соҳа ходимларининг бевосита касбий ривожланишини ташкил этиш имкониятини яратади.

28. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш уларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини доимий равишда янгилаб боровчи даврий тизим ҳисобланади.

29. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимлари малакасини оширишнинг ўқув жараёни тасдиқланган давлат талаблари, ўқув режалари ва дастурлари ҳамда машғулотлар жадвали бўйича тартибга солинади, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

сув хўжалиги ва мелиорация;

ирригация тизимларида сув энергиясидан фойдаланиш;

сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаштириш;

гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш;

сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш;

сув русурларини бошқариш;

сувни тежовчи суғориш технологияларни жорий этиш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини жорий этиш;

ирригация ва мелиорация тармоқларини ривожлантириш;

ирригация ва мелиорация жараёнларига татбиқ этилаётган янги ускуна ва технологиялар билан таништириш;

унумдорлиги ва самарадорлиги юкори бўлган сув хўжалиги техникаларидан фойдаланиш;

сув хўжалиги соҳасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил этиш, баҳолаш ва башорат қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлашга киритиш ҳамда уларнинг бажарилишини ташкил этиш;

сув хўжалиги соҳасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш, уларни амалиётда қўллаш;

сув хўжалиги соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилган жавобгарлик ва бошқа йўналишлар.

Ўқув режалари ва дастурлари сув хўжалиги ҳамда таълим соҳасидаги устувор йўналишлар асосида ҳар йили такомиллаштириб борилади.

30. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курсларида ўқув машғулотларининг маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулотлар, сайёр машғулотлар, тажриба алмашиш, мустакил ўқиш, малака амалиёти, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш каби асосий турлари қўлланилади.

31. Аудиторияда ўтказиладиган барча машғулотлар турлари 80 дақиқа давом этади, ўқув машғулотлари оралиғидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил қилади.

32. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курсларидаги ўқув жараёни тингловчилар сони, қоидага кўра, камида 20 нафардан кам бўлмаган ҳолда, Минтақавий марказ томонидан ташкил қилинадиган гуруҳларда ташкил этилади.

33. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг малака амалиёти Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тегишли таркибий бўлинмаларида ҳамда хўжалик юритувчи бошқа субъектларида ташкил этилади.

34. Айрим ўқув машғулотлари Минтақавий марказнинг ўқув-илмий ишлаб чиқариш лабораторияларида ва бошқа сув хўжалиги ташкилотлари негизида ташкил этилиши мумкин.

35. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўзлаштириши қуйидаги баҳолаш тизими асосида амалга оширилади:

оралиқ ва якуний назорат натижалари;

малака амалиёти якунлари.

Ушбу баҳолаш натижалари ходимларнинг якуний аттестация синовларини топшириш жараёнида баҳолаш мезонлари сифатида инобатга олинади.

36. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимлари малакасини ошириш курсларининг тингловчилари қуйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

сабабсиз 24 соат дарс қолдирганда;

буюртмачилар томонидан шартнома тўловлари амалга оширилмаганда;

саломатлиги туфайли (тиббий маълумотнома асосида);

вафот этган тақдирда.

37. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курсларида машғулотлар ўтказиш учун коллежнинг юқори малакали педагог кадрлари, вазирлик марказий аппарати ходимлари, вазирлик таркибидаги ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ходимлари, илмий муассасаларнинг ходимлари, ташкилотларнинг юқори малакага эга бўлган тажрибали мутахассислари, шунингдек, хорижий мутахассислар ҳам жалб этилиши мумкин.

38. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курсларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартлари билан тингловчиларни ўқитадиган педагоглар таркибининг ўқув юкмаси ҳажми ўқув йили мобайнида белгиланган нормативлар бўйича, улар амалда бажарадиган ўқув ишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 24 октябрдаги 2834 – сон билан рўйхатга олинган “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва Меҳнат вазирликларининг (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги) қарори.

39. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларини малакасини ошириш уларнинг фаолияти давомида асосий ишдан ажралган ҳолда, бевосита Минтақавий марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

40. Қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати тўрт ҳафта (144 соат) дан кам бўлмаган ҳажмда белгиланади. Ўқув юкмасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соатни, шундан аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми - ҳафтасига 30 соатни ташкил этади. (Ушбу банд кўриб чиқилиши мумкин).

41. Марказда малака ошириш бўйича ўқитиш буюртмачининг яқка тартибдаги буюртмаси асосида, давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар доирасида амалга оширилади.

42. Тингловчилар малака ошириш курсини муваффақиятли бажариб, курсни тўлиқ ўзлаштириб бўлгандан сўнг якуний аттестация синовларига қўйилади.

43. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакаларини ошириш ҳар уч йилда камида бир марта, асосий ишдан ажралган ҳолда, бевосита Минтақавий марказ томонидан кундузги шаклда амалга оширилади.

44. Марказда олиб бориладиган малака ошириш курсларининг давомийлиги тўрт ҳафтадан кам бўлмаган муддатни ташкил этади.

Бунда ўқув юкмасининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада - 36 соатни, аудитория машғулотларининг энг кўп ҳажми ҳар ҳафтада - 30 соатни ташкил қилади.

45. Малака ошириш курсини тўлиқ ўзлаштирган ҳамда оралиқ ва якуний назорат топшириқларини муваффақиятли бажарган тингловчилар якуний аттестация синовларига қўйилади.

#### **6-боб. Малака ошириш курслари тингловчиларини аттестациядан ўтказиш**

46. Сув хўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг аттестация комиссияси томонидан ташкиллаштириладиган аттестация синовлари тингловчиларнинг оралиқ ва якуний назоратларни топширишлари, малака амалиёти

натижаларини инобатга олган ҳолда суҳбат шаклида ўтказилади.

47. Сув ҳўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув лойиҳа ишини ҳимоя қилиш аттестация комиссиясида амалга оширилади.

48. Аттестация комиссияси ўз қарорини тингловчиларни суҳбатдан ўтказиш натижалари асосида, шунингдек, касбий фаолият кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилади.

49. Аттестация комиссиясининг қарори Минтақавий марказ томонидан тингловчиларга ушбу Низомнинг 3 ва 4-иловаларига мувофиқ диплом ва сертификат беришга асос бўлади.

50. Аттестация синовларидан ўта олмаган тингловчилар бир йил мобайнида шартнома асосида малака ошириш курсларида такроран ўқишлари ва аттестация синовларини қайта топширишлари мумкин.

51. Тингловчилар аттестация синовларидан такроран ўта олмаган тақдирда Минтақавий марказ томонидан ушбу ходимларнинг иш берувчи ташкилотларига хабарнома юборилади.

Хабарномада тингловчининг малака ошириш курсларидан ўтиши натижаси, аттестация синовларидан ўта олмаганлиги сабаблари кўрсатилади.

#### **7-боб. Малака ошириш курсларини молиялаштириш**

52. Сув ҳўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курсларини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагича:

- сув ҳўжалиги вазирлиги тизимидаги бюджет ташкилот ҳамда ҳўжалик ҳисобидаги корхоналари мутахассисларининг малакасини ошириш мақсадида бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилган тўлов шартномалари;

- марказ томонидан шартнома асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган даромадлар;

- сув ҳўжалиги соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан, халқаро грантлар;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш учун жалб этиладиган грантлар, шу жумладан, халқаро ва маҳаллий грантлар;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

53. Сув ҳўжалиги соҳаси мутахассис ходимларининг малакасини ошириш курслари фаолиятига оид молиявий ҳисоботлар қонун ҳужжатлари асосида олиб борилади.

#### **8-боб. Яқунловчи қондалар**

54. Сув ҳўжалиги соҳаси мутахассисларини малакасининг оширишга ўрта махсус, касбий маълумот олиш деб қаралмайди.

55. Сув ҳўжалиги соҳаси мутахассисларини малакасини ошириш бўйича низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил “ ” декабрдаги  
“ ” -сон қарорига  
4-ИЛОВА

### Малака оширганлиги тўғрисида намунавий

#### СЕРТИФИКАТ (тавсифи)

Малака ошириш тўғрисидаги сертификат А4 форматли оқ қоғозда, офсет усулида, беш хил рангдан фойдаланган ҳолда: матн учун - қора рангда, расмлар тасвири учун - яшил, кўк, қизил рангларда, фон учун - оч кул рангда босмаҳонада тайёрланади.

Варақнинг чап қисмида четидан 10 мм чекинган ҳолда эни 32 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган тасма жойлаштирилади. Тасманинг юқори қисмида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, паст қисмида эса - 35 мм ўлчамли иккита квадрат қўшилишидан ҳосил бўлган саккиз қиррали юлдуз, юлдузнинг ўртасида муҳр учун 25 мм диаметри оқ айлана жойлашади.

Варақнинг қолган қисмида юқорида лотин ёзуви билан давлат тилида «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI. Malaka oshirish haqida SERTIFIKAT» сўзлари босилади. Сертификат иккита лотин ҳарфи - МО ва олти рақамли сондан иборат тартиб рақами билан таъминланган. Барча матн нақшли растрдан иборат оч кул ранг фонда бўлади.

Сертификат:

босиб чиқаришнинг икки усули - офсет ва юқори усули;

ёруғлик воситасида нусха кўчиришни қийинлаштириш учун очик ранглар;

нақшли растр;

ҳар хил рангли растрлардан фойдаланиш йўли билан турли рангларни ташкил этиш;

махсус қоғозлар;

ўзгарадиган рақамлардан иборат тартиб рақами қўлланган ҳолда олтига ҳимояга эга.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг

2020 йил “ ” декабрдаги

“ ” -сон қарорига

5-ИЛОВА

*(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)*

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**

**Malaka oshirish haqida**

**SERTIFIKAT MO**

**№ 000000**

*(xodimning familiyasi, ismi, otasining ismi)*

20\_\_ yil \_\_\_\_\_ dan 20\_\_ yil \_\_\_\_\_ gacha

*(Malaka oshirish ta’lim muassasasining nomi)*

jami \_\_\_\_\_ soatlik

*(Malaka oshirish kursining nomi)*

bo’yicha malakasini oshirdi.

Muhr o’rni

Direktor \_\_\_\_\_

Sana \_\_\_\_\_

Qayd raqami